

# “ИЛТИМОС, НИҚОБИНГИЗНИ ТАҚИБ ОЛИНГ!”



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

## ЁХУД ИЛМ-МАЪРИФАТ КОРОНАВИРУС ЗАНЖИРИНИ УЗУВЧИ “ҚАЙЧИ” БЎЛА ОЛАДИМИ?

Бугун мамлакатимизда пандемияга қарши курашишнинг энг самарали йўли сифатида карантин қоидаларига қатъий амал қилиш ва уларни ҳаёт тарзимизнинг бир бўлагига айлантиришимиз лозимлиги ҳақида кўп гапириляпти. Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, кўргазмалар маълумотномалар орқали одамларни коронавируснинг тарқалиши ва юқишидан огоҳлантиришга қаратилган тарғибот ишлари кенг кўламда олиб бориляпти.



талабларини билиш, амал қилишда. Қаерда мана шу умуммиллий талаб урф бўлса, ўша жойлардан коронавирус қоча бошлайди. Чунки шифокорларимиз касаллик юқишининг асосий сабаби одамларнинг бефарқлигида, бир-бирлари, ўз-ўзини асрамаслигида эканини айтмоқда. Аниқ мисол келтираман. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессорларидан бири ўз интервьюсида: “Биз пандемиянинг қайси босқичида эканлигимиз, ривожланиш сценарийси бутун аҳолимизнинг онгига боғлиқ”, деди. Биз бу иборатга бир маънавий тўлдирини киритамиз. Аҳолининг онгига эмас, аҳолининг хулқига боғлиқ, деймиз. Чунки бугун муаммо одамларнинг онгсиз, билимсизлигида эмас, билимга амал қилмаслигида, хулқига.

Бугун аҳоли, ёшларни ўзини ва бир-бирларини касалликдан ҳимоя қилишга одатлантириш керак. Бу биров меҳнати бор, лекин ҳал қилинадиган зарурат. Қийинлиги нимада? Биз одамларга коронавирус нималиги, ундан сақланиш тартибларини оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва кўргазмалар маълумотлар орқали тинмай тушунтиряпмиз. Билим, маълумот беряпмиз. Нурмат ака Отабеков айтганидек, “уларни одамлар ёдлаб олди”. Энди одамларга мана шу хулқни ўргатиш, одатлантириш талаб этилмоқда. Чунки билим одамларнинг хулқига кўчмас, ундан фойда йўқ. Масалан, кўчада катталарга салом бериш кераклигини синфдаги ҳамма ўқувчи билади. Кўчада эса нари борса 3 нафари салом беради. Чунки 90 фоиз ўқувчидаги билим хулққа, одатга айлантирилмаган.

Афсуски, бир кунда юзлаб ватандошимиз ўзига коронавирусни юқтирди. Чунки коронавирус уларни қалқонсиз топди. Чунки қайси биримиз ўз жойида, ўз вақтида “Илтимос, ниқобингизни тақиб олинг”, демадик. Билдик, лекин айтмадик. Айтсак, балки бир юртдошимизнинг ҳаётини сақлаб қолар эдик.

Бозорда ниқобни иягига тақиб олган йигитни кўрдингиз. Унга кимдир яқинлашди. Гаплашяпти. Улардан бири касал бўлиши (буни ўзи ҳам билмаслиги) мумкин. Агар ҳозир ички ишлар ходими, Миллий гвардиячи ёки телеоператор келиб қолса, йигит ёки опахон шу заҳоти ниқобни тўғри тақиб олади. Нега? Чунки жарима солиниши мумкин. Жаримага кетадиган арзимаган пул ниқобни тўғри тақдирияпти. Лекин соғлиғига етадиган зиёни англаш — онг ниқобни тақдир олмаяптида. Бунга сабаб ички ишлар, Миллий гвардия ходимларининг ўқтам, дадил, ҳақ тарафида туриб, яхши гап билан огоҳлантиришга етаётган бурч ва журъати.

Пандемия шароитида миллий, диний, ижтимоий мансублигимиздан қатъи назар, ҳар биримизда янги бурч пайдо бўлди. Бу — ёнотрофимиздаги ватандошимизни ҳимоя қилиш. Бу янги мотивация, янги хулқ дегани. Тижорат рекламаларига қарасангиз, тўғри ва нотўғри хулқ қиёслаб, анимацияларда кўрсатилади. Чунки юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўр(сат)ган афзал. Бир-биримизни коронавирусдан қандай ҳимоя қилишда ҳам худди шундай. Бунинг учун ана шу бурч ва журъатли, нажоткор хулқ моделини тарғиб қилишимиз керак.

— Аммо кўпинча, андиша ёки бепарволик сабаб “Опахон ниқобни тўғри тақмабди-да. Айтсаммикан? Йўқ, нима қиламан асабимни бузиб”, қабилида иш тутамиз, бизга алоқаси йўқдек, индамай ўтиб кетамиз...

— Мана шу нотўғри андишамиз коронавируснинг юқишига ёрдам беряпти. Бир эмас, ўнлаб ватандошимизнинг бемор бўлишига сабабчи бўляпти. Бугундан бошлаб мана шу бефарқлик аралаш лоқайдликдан воз кечайлик. Ана шунда бир-биримизни COVID-19 балосидан ҳимоя қила бошлаймиз.

Кўнглингиздан: “Тўғрику-я, лекин “Сизнинг нима ишингиз бор!? Нима, сиз Миллий гвардиямиз, ички ишларданмиз?” дейдиган гўдайдиган дилдорлар бор-да”, деган уй ўтди. Тўғри. Лекин бундайлар юздан битта чиқар. Майли, айтсин. Сиз аввало уни, унинг оиласи соғлиғини ўйлаб айтдингиз. Халқни ўйлаб айтдингиз, савоб учун айтдингиз. Сиз бир онгли фуқаро ўлароқ, жамоатчилик назорати субъекти сифатидаги бурчингизни ҳалол ба жарган бўласиз.

Одамларимиз яхши. Ўзига илтимосни, ҳурматни сезган 10 қоидабузардан 9 таси “Ие, узр”, деб ниқобини тақиб олади. Биттаси тақмас. Ҳатто “Сиз қаерда ишлайсиз? Ички ишлар ходимимиз? Ё Миллий гвардиячимиз?!” деб гўддаяр. Сиз индамай, “Узр” деб, табассум билан узоқлашинг. Хафа бўлмаг. Сиздан кейин иккинчи киши илтимос қилсин. Яна тақмас, лекин энди унинг ҳовури тушади. Учинчи одам ҳам айтгач, энди у чекина бошлайди. Чунки у

— Буюк бобомиз Имом Бухорий “Илмсиз нажот йўқ ва бўлмағай”, деган эдилар. Бу ҳикмат ҳозир ҳар бир олимни ўйлатиб қўйди. Бундан минг йил олдин шунга ўхшаш офат тарқалганида Ибн Сино бобомиз ҳам илмни қўллаб, мамлакатга нажот берган.

Азалдан ўзбек маҳаллаларида муҳтасиб(раис)лар жамиятга зарарли ишлардан одамларни қайтариб, ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилишнинг жамоатчилик назорати, амалий маърифатини таъминлаб келган. Халқимиз бошига қийин кунлар тушганда бирлашиб енган. Буни “Халқ айтгани — ҳақ айтгани”, “Кўпдан кўён қочиб қутулмас”, “Халқдан ажралганнинг юзи қора бўлар”, “Эл сенга этса надомат, дунёда туролмасан саломат” каби халқ мақоллари тасдиқлайди. Қолаверса, бу фуқаролик жамияти, жамоатчилик назоратини ривожлантиришнинг бой имкониятларини яратди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Маънавият ва маърифат маркази томонидан коронавируснинг юқиш занжирини узувчи “Қайчи” маърифий ҳаракати ғояси ва технологияси ишлаб чиқилди. Маърифий ҳаракатнинг моҳияти — карантин қоидаларини бузган ҳар ватандошимизга дастлаб маънавият ва маърифат ходимларининг, кейинчалик ҳар бир фуқаронинг хушмуомалалик билан: “Ассалому алайкум. Укажон, дўстим, акажон, опажон, амаки, холажон, синглим. Бир илтимос қилсам майлими? Келинг, ниқобингизни тақиб олинг. Ижтимоий масофани сақлайлик. Бир-биримизни COVID-19 бало-



**ҲАР БИРИМИЗ “КОРОНАВИРУС ЗАНЖИРИНИ УЗИШГА ҲИССА ҚЎШИШ МЕНИНГ БУРЧИМ”, ДЕБ БИЛАЙЛИК. БУГУНГИ МУРАККАБ, СИНОВЛИ КУНЛАРДА БИР-БИРИМИЗНИ АСРАЙЛИК!**

ўзининг қويدани бузаётганига иқдор бўлиб боради. Эртага яна ниқобни иягига тушириб кўради. Кейин сизни эслаб, кўтариб, тўғрилаб олади. Чунки қويدани бузса, яна одамлар келиб, “Илтимос, ниқобингизни тақиб олинг!” дейишини билади.

Ашаддий, безбет қоидабузар ҳам бешинчи, ё еттинчи одамнинг илтимосига дош бера олмайди. “Уфф, янами...”, дейди-ю, ниқобни тақиб олади. Чунки у ҳам ўзимизнинг жигарбандимиз. У ҳам COVID-19 нималигини, оқибатларини билади. Сиз нега унга, бошқаларга яхшилик тилаб гапирётганингизни яхши билади.

— Карантин талабларини бузишга илмий нуқта назардан қарасак, бу девиант хулқ-атвор, ижтимоий меъёрдан оғиш, нормаларни писанд қилмаслик, бузиш, дейиш мумкин. Бу борада республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан коронавирус шароитининг маънавий-ахлоқий талаблари, юқиш занжирини узивчи қаратилган қандай янги технологиялар ишлаб чиқилмоқда?

сидан ҳимоя қилайлик”, деган муружаатини жорий қилиш. Ушбу муружаатнинг турли кишилар томонидан, қайта-қайта қилиниши қоидабузарликларни кескин қайтариб юборади.

Технология самардорлиги бир неча ҳудудларда синаб кўрилди. Олинган натижалар таҳлили карантин қоидаларини бузган фуқароларни “инсон-инсонга” тамойили асосида хушмуомалалик, маърифат билан карантин қоидаларига риоя қилишга чақириш ва одатлантириш амалдаги ҳолатдан кўра, 70 фоиз юқори самара беришини кўрсатди. Мамлакатимизда маънавият ва маърифат ходимларининг коронавирусни юқтириш занжирини узувчи “Қайчи” маърифий ҳаракатининг жорий қилиниши қўлимизга COVID-19 га қарши кучли маърифий-профилактик қалқон беради. Шундай экан, келинг, ҳар биримиз “Коронавирус занжирини узивчи ҳисса қўшиш менинг бурчим”, деб билайлик. Бугунги мураққаб, синовли кунларда бир-биримизни асрайлик!

“Янги Ўзбекистон” мухбири  
Ирода ТОШМАТОВА  
суҳбатлашди.

Аммо барча чора-тадбирларга қарамай, ҳамон айрим фуқаролар орасида жамоат жойларида карантин талабларини бузиш, ижтимоий масофани сақламаслик, ниқоб тақмаслик ёки нотўғри тақиб, тиббий-хуқуқий нигилизм, кибр ва бошқа иллатлар, энг ачинарлиси, атрофдагиларнинг уларга бефарқлиги ҳолатлари учраб турибди.

Бундай шароитда коронавируснинг юқиш занжирини узивчи, тарқалиш даражасини камайтиришда нафақат тиббий ва молиявий, балки илмий, маърифий-технологик ечимларни қўллаш зарурати юзага келмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда: “**Бу курашда тиббий чоралар билан бирга, юксак тафаккур, қатъий интизом, сабр-тоқат ва улкан масъулият кўрсатишимиз лозим. Бу сифатлар бизнинг энг асосий ва энг таъсирчан қуролимизга айланиши шарт**”. Ани кунда ушбу сўзларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Демак, бу маънавият, маърифат масаласи! Бугунги суҳбатдошимиз Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон ҚУРОНОВ пандемияга қарши курашнинг маърифий, илмий жиҳатларига тўхталиб ўтди.

— Давлатимиз раҳбари эпидемиянинг миллий характеримиз билан боғлиқ ижтимоий жиҳатига бежиз урғу бермади. Зеро, коронавируснинг юқиш занжирини қирқиб ижтимоий масала, профилактик тадбир. Қаерда ана шу фазилатларни қурол қилиб, ҳар куни намоён қилсак, енгяпмиз. Лоқайдлик, беқарорлик, кибр, интизомсизлик, бесабрлик, масъулиятсизлик каби маънавий иллатлар бор жойларда касаллик юқиш ҳолати кўп учраяпти.

Бошқача айтганда, бир қонуният юзага чиқди. Уни “COVID-19нинг юқиш тезлиги халқ характеридеги 4 фазилат даражасига тўғри пропорционалдир”, деб ифодалаш мумкин. Бу 4 фазилат — юксак тафаккур, қатъий интизом, сабр-тоқат ва масъулият. Билимли, интизомли, сабрли ва масъулиятли одамлар юқиш занжирини қирқиб ташлайдилар.

— Бепарволик ва лоқайдлик юртдошларимизнинг соғлиғига, жонига чанг соляпти. Буни биз кўряпмиз, хафа бўляпмиз, лекин “мен нима қила оламан”, деган саволни ўзимизга бермаяпмиз. Нима учун?

— Билиш — амал қилиш дегани эмас. Билим хулққа, одатга айланиши керак. Бугун нажот — карантин